



013 у.г. "18" октябрь № 1120-К

Samarqand t-p Самарканд

Фуқаро Сафаров Шерозга акфа ромлари цехи ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 0,09 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 04 октябрдаги 123-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2013 йил 17 сентябрдаги 909-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда фуқаро Сафаров Шерознинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 04 октябрдаги 123-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Сафаров Шерозга акфа ромлари цехи ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун тумандаги "Улуғбек" қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ "Тулистон-агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 488-контуридан жами 0,09 га (шундан: 0,09 га туман захирасидаги 36-балл бонитетли мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорининг 1-иловасига асосан акфа ромлари цехи ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ажратилаётган 0,09 га 36 балли мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ер майдони учун 1 812 002 сўм пул миқдори вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш вазифаси фуқаро Сафаров Шерозга юклатилсин.
4. Акфа ромлари цехи ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Сафаров Шерозга топширилсин.
5. Ушбу қарорни тасдиғи «Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги комиссияси»дан сўралсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

Б. Садуллаев